


Миробод тумани ХТ
Мудир в.в.б



Товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари:

Миробод тумани ХТБга қарашли

Умумтаълим мактаблари учун зарур мебел жиҳозлар сотиб

олиш бўйича энг яхши таклифни танлаш

Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби Танлаш
комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган:

Миробод тумани ХТБ

Тошкент - 2022 й.

МУНДАРИЖА

I. Танлаш бўйича иштирокчилар учун кўрсатмалар. II. Танлашнинг нарх қисми,

Танлов ҳужжатларининг шакллари ва аризалари, Ариза берувчи учун мезонлар.

I. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН КЎРСАТМАЛАР

1	Умумий қоидалар.	1.1	Бу қўлланма Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда 3016 рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтказилган буйруқларига асосан ишлаб чиқилган.
		1.2	Танлаш ўтказиш мақсади: Миробод тумани ХТБга карашли умумтаълим мактаблари учун зарур мебел жиҳозлар сотиб олиш бўйича энг яхши таклифни танлаш
		1.3	Танлаш ўтказишнинг чегаравий қиймати 1 198 680 000 сум ККС билан
		1.4	Таклифда кўрсатилган нархлар чегаравий қийматдан ошмаслиги керак.
		1.5	Сотиб олинadиган маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) учун техник топшириқлар ушбу ҳужжатнинг техник қисмида келтирилган.
		1.6	Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари - кундузги
2	Танлаш ташкилотчилари ва манзили	2.1	Танлаш ўтказиш Буюртмачиси Миробод тумани ХТБ (кейинги ўринларда «Буюртмачи») ҳисобланади. «Буюртмачи» манзили: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 7-уй

			<p>«Буюртмачи» реквизитлари: Юридик манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани Миробод кўчаси 8-уй Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғ азначилиги Ҳисоб рақами: 2340 2000 3001 0000 1010 Банк: Марказий банкнинг Тошкент шаҳридаги ҳисоб-китоб касса маркази ИНН: 201 122 919 МФО: 00014 ОКЭД: 86100 Шахсий ҳисоб рақами: 401722860262737092100075016 ИНН: 201534627</p>
		2.2	<p>Масъул шахс: Тешабоев Илёс тел.: +(998 71) 256-30-47</p>
		2.3	<p>Комиссиянинг ишчи органи Миробод тумани ХТБ Танлов комиссияси (кейинги ўринларда "Ишчи орган" деб юритилади) ҳисобланади. Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани Миробод кўчаси 8-уй</p>
		2.5	<p>Танлов буюртмачи томонидан тузилган (камида беш аъзодан иборат) танлов комиссияси томонидан ўтказилади, у танлов учун вақтинчалик комиссия ҳисобланади.</p>
3	Танлов катнашчилари	3.1	<p>Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. 4.2 -бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.</p>
4	Танлов ўтказиш тартиби	4.1	<p>Танловда катнашиш учун танлов иштирокчиси:</p> <p>а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);</p> <p>б) Танловда камида бир йиллик тажрибага эга бўлган ушбу турдаги ишлар ва хизматларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган барча ташкилотлар катнашиши мумкин.</p> <p>в) Танлов ҳужжатлари талабларига</p>
		4.2	<p>Танловда қуйидаги катнашувчиларга руҳсат берилмайди:</p>

			<p>кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик боскичида бўлган ташкилотларга; "Буюртмачи" билан суд ёки бошқа келишимовчилик ҳолатида бўлган ташкилотларга; виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида жойлашган; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд ташкилотларга; бир йилдан кам иш тажрибасига эга бўлган ташкилотлар; зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида тақдим этмаган ташкилотлар; Иш ва хизматларни бажариш учун лицензия ва сертификатлар йўқлиги (агар иш тури махсус лицензияни талаб қилса) Юқорида айтиб ўтилган мажбурий ҳужжатлардан ташқари, иштирокчи ўзининг молиявий аҳволи, обрўси, иш тажрибаси ва бошқаларни ақс эттирувчи қўшимча маълумотли ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.</p>
		4.3	<p>"Буюртмачи" қуйидаги ҳолларда танлов иштирокчисини танловдан четлатиши мумкин:</p> <p>иштирокчи буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсига, ходимига тўғридан-тўғри ёки билвосита танловда ғолиб бўлиш учун ҳар қандай ҳаракатнинг бажарилишига таъсир қилиш мақсадида ҳақ тўлашни ёки ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни тақлиф қилса;</p> <p>Агар иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.</p>
5	Танлов тили, ўлчов бирлиги.	5.1	<p>Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган танлов тақлифи ва унга тегишли барча ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.</p>
6	Танлов тақлифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби	6.1	<p>Танлов иштирокчиси:</p>

			тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;
			Иштирокчи фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;
			Иштирокчи таклифларни тақдим этиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган таклифни қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.
7	Бошқа шартлар	7.1	Танловда қатнашиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтириш бериш учун комиссия аъзоларига муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
		7.2	Танлов комиссияси қуйидаги ҳолларда танлов амалга ошмади деб топиши мумкин: агар танловда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса; агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, танлов комиссияси танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли барча таклифларни рад этган бўлса;

II. НАРХ ҚИСМИ

1	Чегаравий қиймати	1 198 680 000 сўм ҚҚС билан
2	Молиялаштириш манбаи	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
3	Тўлов шартлари	Хизмат ҳақи шартнома тузилгандан сўнг, шартнома миқдорининг 30% олдиндан тўланиши билан амалга оширилади. Якуний тўлов 70% тўлиқ маҳсулот етказиб берилгандан сўнг амалга оширилади.
4	Тўлов валютаси	Сўм - Ўзбекистон Республикаси валютаси
6	Бажариш, етказиб бериш муддати (хизматлар, ишлар)	2022 йил 31 декабргача

Олдиндан тўлов миқдори (%)

Кўрсатиладиган хизмат учун ҳақ шартнома тузилгандан сўнг, шартнома суммасининг 30% олдиндан тўланиши билан амалга оширилади.

Буюртма бўйича хизмат ҳақи имзоланган ҳисоб-фактура, бажарилган ишлар далолатномалари асосида тўланади. Актга ижро ҳужжатлари илова қилиниши керак.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) буюртмачи эҳтиёжларига мувофиқлиги (товар белгилари, Давлат стандарти, нав, товар номлари ва бошқалар)